

Агар сизга Аллоҳ нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ



19:00 / 07.06.2022 2996

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

مُكْرُصِنَي يَدِّ اِذْ نَمَفْ مُكْلُ دَحْيٰ نِ اَوْ مُكْلَ بَلَاغِ اَلْفِ لَلْ اُ مُكْرُصِنَي نِ
نُونُ مُكْلُ لَلْ كَوْتِ يَلْفِ لَلْ اَلْفِ لَلْ اَلْفِ لَلْ اَلْفِ لَلْ اَلْفِ لَلْ اَلْفِ لَلْ اَلْفِ لَلْ اَلْفِ لَلْ اَلْفِ L

«Агар сизга Аллоҳ нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ. Агар сизни ёрдамсиз ташлаб қўйса, Ундан ўзга ким ҳам сизга ёрдам берар эди?! Мўминлар Аллоҳагина таваккул қилсинлар». (Оли Имрон сураси, 160-оят).

Исломий тасаввур бўйича, ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси ва белгилаган тақдири билан бўлади. Бу тақдир эса ер юзида инсоннинг фаолияти орқали юзага чиқади. Аллоҳ таоло ҳар бир ишни ўз сабаби билан яратган. Сабаб вужудга келса, натижага эришилади. Бу ҳол ҳадеб такрорланаверганидан, одамлар натижага эришиш учун асосий омил унинг сабабини вужудга келтириш, деб ўйлайдиган бўлиб қолганлар. Лекин ўзларининг ҳам, сабабларнинг ҳам холиқи Аллоҳ таоло эканини эсдан чиқариб қўйганлар. Аслида эса ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси ва хоҳиши билан бўлади. Ушбу

оятда бу ҳақиқат уруш, жанг мисолида баён қилинмоқда:

«Агар сизга Аллоҳ нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ».

Урушда ғалаба қозонишнинг асосий омили Аллоҳнинг нусратидир. Урушда ғолиб чиқиш учун зарур чораларни кўрган тараф «Биз чорани кўриб қўйдик, албатта ғолиб бўламиз» деган ғурурга кетиб қолмаслиги керак. «Биздан талаб қилинган чораларни кўриб қўйдик, энди Аллоҳга таваккул қилиб урушамиз ва Аллоҳ нусрат берса, ғолиб келамиз» деган эътиқодда бўлиши керак.

«Агар сизни ёрдамсиз ташлаб қўйса, Ундан ўзга ким ҳам сизга ёрдам берар эди?!»

Бундай бўлишидан Аллоҳ Ўзи сақласин.

«Мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар».

Ана ўшандагина улар Аллоҳдан ўзга бировдан бирон нарса умид қилиш дардидан халос бўладилар.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди